

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК



ЎЗБЕКИСТОН – ГЕРМАНИЯ:

УМУМИЙ ҚИЙМАТИ 9 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРЛИК КЕЛИШУВЛАРГА ЭРИШИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Германия Федерал Президенти Франк-Вальтер Штайнмайернинг таклифига биноан ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

Германия дунёнинг юксак ривожланган, улкан савдо-иқтисодий ресурслар, кенг инвестицион салоҳият ва илғор технологик ишланмаларга эга давлатларидан ҳисобланади. Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритган дастлабки йиллардаёқ – 1992 йил 6 мартда Германия билан фаол дипломатик муносабатлар ўрнатганини алоҳида қайд этиш жоиз. Расмий ҳамкорлик 31 йилдан буён давом этаётган бўлса-да, икки давлат ўртасидаги алоқалар узоқ даврларга бориб тақалади. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, тенг ҳуқуқли муносабат ўрнатилди. Ҳарбий Европадаги биринчи элчихонамиз 1993 йили Бонн шаҳрида очилди.

Ўтган йиллар мобайнида икки томонлама манфаатли ҳамкорлик тобора кенгайиб бормоқда. Айниқса, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 20–22 январь кунлари расмий ташриф билан Германияда бўлиши, ўша йили 27–29 май кунлари Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти Франк-Вальтер Штайнмайернинг мамлакатимизга ташрифи кўп қиррали алоқаларга янги мазмун-моҳият бағишлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Германияга навбатдаги ташрифи Федерал Канцлер Олаф Шольц билан музокара-лардан бошланди. Ўзбекистон Германияни ўзининг ишончли ва стратегик ҳамкори сифатида қабул қилиши, мамлакатларимиз-

ни чуқур тарихий илдизлар боғлаб тургани қайд этилди. Кейинги йилларда икки томонлама муносабатлар барча йўналишларда жадал ривожланиб бормоқда. Узаро товар айирбошлаш ва қўшма лойиҳалар сони икки баробар ортгани мамнуният билан таъкидланди. Германиядан Ўзбекистонга инвестициялар ҳажми 5,5 миллиард АҚШ доллари-га етди, шундан 4 миллиард доллар охириги 6 йилда жалб қилинган.

Ташриф доирасида ўтган қўшма бизнес-форум юксак баҳоланди. Унинг якуни-да умумий қиймати 9 миллиард долларлик савдо, инвестициявий ва технологик лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан келишув-ларга эришилди. “Яшил” энергетика, қазиб чиқариш, кимё, фармацевтика тармоқлари-да, транспорт инфратузилмасини ривожлан-тириш, қишлоқ ҳўжалигини рақамлаштириш, инновация ва бошқа соҳалардаги коопе-рация лойиҳалари шулар жумласидан. Гер-мания компанияларининг Ўзбекистондаги лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсади-да “КФВ”, “Deutsche Bank” банклари ва Гер-мания халқаро ҳамкорлик жамияти билан кенг кўламли шерикликни ривожлантиришга кели-шиб олинди.

Германия ҳукумати Ўзбекистоннинг ЖСТга қўшилишини ҳамда Европа Иттифоқи билан Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкор-лик тўғрисидаги битимни имкон қадар тез имзолашни бундан буён ҳам қўллаб-қув-ватлашга тайёрлиги билдирилди. Сиёсий мулоқотни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди. Томонлар ташриф чоғида Кўп қир-ралаи ҳамкорликни янада чуқурлаштириш тўғрисида Ҳукуматлараро декларация имзо-лашини олқишладилар.

Олаф Шольц Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда дўстлик ва узаро ишонч муҳитини

яратиш, интеграцияни чуқурлаштириш бўйи-ча янги минтақавий сиёсатини қўллаб-қув-ватлади. “Германия – Марказий Осиё” фор-матига мулоқот майдонини ишга туширишга аҳдлашиб олинди. Минтақада, шу жумладан, Афғонистондаги вазиятни инобатга олган ҳолда хавфсизликни таъминлаш масалала-ри муҳокама қилинди. Ушбу мамлакат учун гуманитар лойиҳаларни давом эттириш, шу жумладан, Термиздаги логистика маҳмуаси ва Афғон ёшлари учун таълим маркази им-кониятларидан фойдаланиш зарурлиги қайд этилди.

Транспорт ва логистикани ривожлан-тириш масалаларига алоҳида эътибор қа-ратилди. Томонлар Марказий Осиёни Евро-па билан боғлайдиган самарали йўналишни шакллантиришга хизмат қилувчи Транска-спий йўлагини биргаликда ривожлантириш бўйича яқдил фикр билдирдилар.

Маданий-гуманитар ҳамкорликнинг кун тартиби бой экани мамнуният билан қайд этилди. Германия томони шу кунларда Бер-лин шаҳридаги Янги музей ва Жеймс Симон галереясида очиладиган “Ўзбекистоннинг археологик хазиналари. Александр Маке-донскийдан Кушонлар империясигача” ном-ли ноёб кўргазмани оқори баҳолади. Ўзбе-кистонда немис тилини ўрганишга қизиқиш ортиб бораётгани мамнуният билан таъкид-ланди. Германия ҳукумати мамлакатимиз ҳу-дудларида немис тилини ўқитишни кенгай-тиришга техник кўмак кўрсатиши тўғриси-да келишиб олинди.

Умуман, ташриф доирасида иқтисоди-ёт, савдо, молия, таълим, фан ва инновация соҳаларида 16 та ҳукуматлараро ва идора-лараро ҳужжатлар имзоланди.

Шоҳрух ҚУРБОНОВ

МУНОСАБАТ

РЕФЕРЕНДУМ ЯКУНЛАРИ: ДЕМОКРАТИЯ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ФАОЛЛИГИ НАМОЙИШИ

Истиқболга йўналтирилган ислохотлар жамиятда мавжуд муаммо-ларни ечишга хизмат қилиб, халқ ҳаётини янада яхшилашга мустаҳкам замин яратади. Шунинг учун ҳам ижтимоий-ҳуқуқий янгиланишга инти-лишни сиёсатчилар тараққиётни жадаллаштириш олими сифатида баҳо-лайдилар.

Демократик давлат қуришга азму шижоат қилган эл борки, аввало, фаровонликка элтадиган эзгу мақсадларининг ҳуқуқий асосини мамлакат Конституциясида акс эттиришга ҳаракат қилади. Шу йил 30 апрелда бў-либ ўтган референдумда халқимиз қатъий ирода кўрсатиб, келажакка кат-та ишонч билан овоз бергани ҳам ана шу тамойилнинг амалий тасдиғидир. Чунки Конституция давлатимиз барқарорлиги, инсон манфаатларининг чинакам пойдеворидир. Бинобарин, фуқаролар бунинг чуқур ҳис этиб, юрак-дан англаб референдумда фаол иштирок этдилар.

Овоз берувчилар рўйхатида киритилган 19 миллион 722 минг 809 на-фар кишидан 16 миллион 673 минг 189 нафари муҳим сиёсий тадбирда бе-восита қатнашгани, умумий даволат 84,54 фоизни ташкил этгани қўллаб давлатлар астойдил ҳавас қиладиган кўрсаткичдир. Овоз берганларнинг 90,21 фоизи Конституцияни ўзгартиришга розилик билдирган бўлса, 9,35 фоизи қарши чиқди. Қолган бюллетенлар эса санок жараёнида ҳақиқий эмас деб топилди.

Давоми 3-саҳифада. ►►

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҚУЛАЙ ФИСКАЛ ТИЗИМИ

2.



ТАРИХИЙ ЖАРАЁНДА O'zLiDeP ҚАНДАЙ ҚАТНАШДИ?

Марказий сайлов комиссияси матбуот марказида сиёсий партиялар вакиллари иштирокида матбуот анжумани ўтказилди. Дастлаб O'zLiDeP Сиёсий Кенга-ши Ижроия қўмитаси раиси Ақтам Хайтов референ-думда партиянинг иштироки юзасидан ахборот берди.



Хусусан, сиёсий куч етакчиси партиянинг, энг аввало, бир мил-лиондан ошиб кетган барча аъзолари, Олий Мажлис Қонуночилик па-латасидаги O'zLiDeP фракцияси вакиллари, қолаверса, партиянинг “Ёшлар” ва “Аёллар қанот”ларига бирлашган юз минглаб фаоллари Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси референдуми ташвиқотида муносиб ишти-рок этганини алоҳида таъкидлади.

Шунингдек, давлатнинг бозор муносабатларини ривожланти-риш, қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини таъмин-лаш, ҳалол рақобат учун шарт-шароитлар яратиши бўйича мажбу-риятлари, мол-мулк, уй-жой дахлсизлиги масаласи, эндиликда банк амалиётлари ва ҳисобварақларнинг сир тутилиши янгиланган Асосий қонунимизда мустаҳкамланганини эътироф этди ва партия томони-дан Конституциявий комиссияга киритилган 8 мингдан ортиқ таклиф-нинг аксарияти янги таҳрирдаги Бош қомусимизда акс этганига ургу берди.

O'zLiDeP матбуот хизмати

“ЮРТСЕВАР” ҚЎШИҚЧИЛАР

нега хорижий
ўлкаларда клип
олишяпти?



Отажон
Худойшукуров

5.

ТҮЙ КУРАШИ:

ҲАЛОЛ ва FIIPROM асосий мезонми ёки?..



6.

МУНОСАБАТ



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҚУЛАЙ ФИСКАЛ ТИЗИМИ

ХОРИЖЛИК ИНВЕТОРЛАРНИНГ ҚИЗИҚИШ ВА ЭЪТИБОРИНИ СЕЗИЛАРЛИ РАВИШДА КУЧАЙТИРИБ, МАМЛАКАТИМИЗДА ИШБИЛАРМОНЛИК МУХИТИНИНГ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев Тошкент иккинчи халқаро инвестиция форумининг ялпи мажлисидаги нутқида ушбу тadbир кўп томонлама ҳамкорликни мустақамлашга, янги бизнес имкониятларини кашф этишга хизмат қилишни алоҳида таъкидлагани бежиз эмас.



Рахmatillo КАМОЛОВ, О'zLiDeP Фарғона вилоят кенгаши раиси

Бундай дейишимиз боисини қатор мисоллар орқали изоҳлашга ҳаракат қиламиз. Масалан, аъзолари сони 1 миллион 300 мингдан ошаётган О'zLiDePнинг асосий электроти саналган ишбилармон ва тadbиркорлар дуч келадиган дастлабки ҳолатни олайлик. Қаерда фаолият кўрсатишидан қатъи назар, бизнес эгаси борки, фискал тизим қулай бўлса, солиқ юки енгиллаштирилса, дейди. Янги Ўзбекистонда айнан мана шундай шаффоф, яъни тadbиркорга ён босадиган, улар билан муносабатлар соддалаштирилган тизим яратилди.

Ҳам муҳим аҳамият касб этаётир. Пировардида, янги-янги бозорларга кириш мақсадида Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига қўшилиш жараёни жадаллаштирилмоқда. Биз партиявий фаолият билан боғлиқ мулоқотларда "Ислохот ислохот учун эмас, инсон манфаати учун" деган халқчил даъватнинг мазмун-моҳиятини имкон қадар одамларга соддароқ тарзда етказишга ҳаракат қиламиз. Эндликда О'zLiDeP тарафдорлари сўнги ислохотлар доирасида инвесторлар билан ишлашнинг яхлит тизими эканлиги сезияпти ҳам. Бу билан Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг сайловолди дастурида белгиланган вазифаларнинг Тараққиёт стратегияси билан уйғунликда рўёбга чиқаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Ишлаб чиқариш ва тadbиркорлик субъектлари вакиллари ташқи савдо сезиларли равишда эркинлашаётганини қайд этмоқда. Улар қадрлайдиган соҳалардан кейингилари соғлом сармоявий муҳит ва инвестициявий жозибадорликдир. Юртимиздаги барқарорлик айна мезонлар учун мустақам пойдевор вазифасини бажарётгани эса хорижий ҳамкорларнинг қизиқишини янада кучайтирмоқда. Натижада ўз маблағлари билан Ўзбекистонга сармоя киришини хоҳловчилар сафи кенгаймоқда. Бунда инвесторлар учун зарур бўлган 7 мингдан зиёд хомашё ва товарларга божхона божлари бекор қилинган, божхона ҳудудида қайта ишлашнинг соддалашган тартиби жорий этилган.

Инвесторлар масалаларини тезкор ҳал этиш, уларнинг давлат раҳбари билан бевосита мулоқотини йўлга қўйиш мақсадида Президент ҳузурида Хорижий инвесторлар кенгаши иш бошлаши билан бизнес ҳамжамияти ҳуқуқларининг ҳимояси тубдан кучайтирилганини, чет эллик сармоядорлар учун кўчмас мулк сотиб олиш, Ўзбекистонга келиб-кейтиш ва яшаш шартлари кескин соддалаштирилганини қайта-қайта айтгинг, уни бутун дунёга эшиттиргинг келаверади.

Икки кунлик халқаро анжумани кузатишдан чиқарган хулосамиз шуки, сармоядорлар ўзлари учун зарур кафолат бизда борлигига ишонч ҳосил қилишди. Президентимиз Ўзбекистон инвесторлар учун ҳуқуқий кафолат, алоҳида технопарк ва санает зоналари, қўшимча имтиёзлар беришга тайёрлигини билдирганида уларнинг аксарияти нигоҳидан шуни уқийш мумкин эди.



О'zLiDeP ФРАКЦИЯСИДА

ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИ МУҲОКАМАСИ ҚИЗИДИ. ЧУНКИ...

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'zLiDeP фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда депутатлар мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига дахлдор бўлган қатор қонун лойиҳаларини муҳокама қилдилар.

Йиғилишда кўриб чиқилган дастлабки ҳужжат "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартиш киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси бўлди.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасини кўриб чиқиш чоғида партия мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, унинг бугунги кундаги зарурати ва аҳамиятини эътиборга олиб, янада такомиллаштириш, пишиқ-пухта ҳолатга келтириш ҳамда маромига етказиш бўйича бир қатор таклифлар берди.

Депутатларнинг айтишича, ушбу қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги қонунига экспорт шартномаси доирасида жами маҳсулотнинг 5 фоизидан ошмаган дебитор қарздорлик учун тadbиркорлик

субъектига нисбатан жарима қўлламаслик бўйича қўшимча ва ўзгартиш киритилмоқда.

Қонун лойиҳасида таклиф этилаётган янги нормалар эса партия электроти бўлган тadbиркорларнинг экспорт фаолиятини қўшимча қўллаб-қувватлаш ва маҳаллий маҳсулотларнинг хорижий бозорларда рақобатбардошлиги ошишига хизмат қилади.

Мамлакатимизда сўнги 6 йил ичида катта иқтисодий ислохотлар амалга оширилди. Айниқса, тadbиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, дейди парламент кўйи палатасидаги О'zLiDeP фракцияси аъзоси Жавлонбек Эргашев. Ушбу қонун лойиҳасида бир экспорт шартномаси доирасида жами маҳсулотнинг 5 фоизидан ошмаган дебитор қарздорлик учун тadbиркорлик субъектига нисбатан жарима қўлламаслик назарда тутилаётгани диққатга сазовордир. Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши орқали мазкур шартнома доирасида экспортга юкланган маҳсулотлар қийматининг 5 фоизигача бўлган қисмига қўлланиши керак бўлган жарима суммалари корхоналар их-

тиёрида қолади. Бу эса бугун ўз фаолиятини янада ривожлантиришни истаган барча даражадаги тadbиркорлар учун соғлом рақобат муҳитидаги тенг имконият демокдир.

О'zLiDeP мамлакатдаги етакчи сиёсий куч сифатида тadbиркорликни кенг ривожлантириш, бизнес вакилларининг эркин фаолият юритишлари учун зарур шароитлар яратишни муҳим вазифа деб билади. Жумладан, партия сайловолди дастурида экспорт-импорт тартиб-таомилларини янада соддалаштириш, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар бўйича давлат харидларини кенгайтириш устувор вазифа сифатида белгиланган.

Шу жиҳатдан, фракция аъзолари қонун лойиҳасини муҳокама қилиш давомида янги нормалар партия дастурий мақсадларига ҳамоханлигига алоҳида эътибор қаратишди. Лойиҳани янада такомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазаларини, таклифларини билдиришди. Қизғин баҳс-мунозалардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

– "Ер тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси, фракцияимиз аъзолари қайд этганидек, О'zLiDeP сайловолди дастуридаги вазифаларга ҳамохандир.

Барноҳон МИРЗАМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, О'zLiDeP фракцияси аъзоси



Мазкур лойиҳа Президентимизнинг 2022 йил 24 августдаги "Мулк ҳуқуқининг дахлчилигини ишончли ҳимоя қилиш, мулк муносабатларга асосис аралашувага йўл қўймаслик, хусусий мулкнинг капиталлашув даражасини ошириш чора-тadbирлари тўғрисида"ги фармони ҳамда 2022 йил 12 апрелдаги "Муҳандислик-коммуникация тармоқлари учун ер участкаларини ажратиш тартибини такомил-

лаштириш чора-тadbирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган. Лойиҳада фуқаролик, ер ва шаҳарсозлик кодексларига ва 9 та қонунга ўзгартиришлар киритилиши назарда тутилган.

Халқ ноиблари лойиҳани қўллаб-қувватлашларини баён этиб, таклиф қилинаётган ўзгартиришларнинг амалга татбиқ қилиниши соҳада талай ижобий ўзгариш-

лар амалга ошишига имкон яратишини қайд этдилар.

Мажлисида "Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 208-моддасига қўшимча ва ўзгартиш киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳаси ҳам атрофлича муҳокама қилинди. Парламент кўйи палатасидаги вакилларимиз мазкур лойиҳа тайёрлинишига сабаб бўлган омилларга ҳам тўхталдилар.



Умидахон ЗОКИРОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, О'zLiDeP фракцияси аъзоси

Давлатимиз раҳбари 2022 йил 11 ноябрь куни Ўзбекистон касабани уюшмалари ходимлари ва аъзоларига йўллаган байрам табригида 11 ноябрь – Ўзбекистон касабани уюшмалари кунига меҳнатқашлар байрами, умумхалқ байрами макomini бериш ва ушбу кунни дам олиш кунини деб белгилаш таклиф этилган. Шунингдек, корхона ва ташкилотларда ходимларнинг

касбий, меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини таъминлаш тизими янада кучайтирилиши тақозо этилаётгани таъкидланган. Шулардан келиб чиқилган Меҳнат кодексининг 208-моддасига тегишли қўшимча ва ўзгартиш киритиш таклиф қилинмоқда.

Депутатлар қонуннинг қабул қилиниши ходимларнинг касбий, меҳнатга оид,

– Мамлакатимиз касабани уюшмалари ўз сафарида 5,5 миллиондан зиёд ходимларни бирлаштирган энг йирик жамоат ташкилоти ҳисобланади. Унинг аъзолари сони доимий тарзда кўпайиб бормоқда. Шунинг учун ҳам касабани уюшмалари кунини республикамизнинг барча ишчи-ходимлари томонидан муҳим сана сифатида кенг нишонланади.

ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини таъминлаш тизимини янада кучайтирилиши билдириб, лойиҳани маъқулладилар.

Йиғилишда фракция ваколатига таллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

О'zLiDeP матбуот хизмати

МУНОСАБАТ

БИЗНЕС УЧУН БЕҚИЁС ИМКОНИЯТ

Айтиш мумкинки, шу йилнинг 27-28 апрель кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтган иккинчи Тошкент халқаро инвестиция форуми нафақат Ўзбекистон учун, балки минтақа мамлакатлари учун ҳам ўзаро боғлиқлик ва мулоқот майдонига айланди.

Йилнинг энг муҳим иқтисодий анжуманларидан бирида иштирок этиш учун дунёнинг 70 дан ортиқ давлатидан 2,5 мингга яқин юқори мартабали меҳмон келди. Аниқроқ айтганда, ушбу анжуман дунёнинг кўплаб давлатларидан илғор инвесторларни бир нуқтага жамлади.

Форум доирасида турли соҳалар бўйича панел мунозаралар ўтказилди. Жумладан, "Замонавий қурилиш ва қурилиш материаллари санаети" панел мунозарасида соҳани ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Шунингдек, хорижий инвесторлар Ўзбекистон ҳудудларининг инвестиция салоҳияти ва 160 дан ортиқ йирик лойиҳалар билан танишди. Юртимизнинг иқтисодий имкониятлари, ишбилармонлар учун яратилган қулай шарт-шароитлар уларда катта таассурот қолдирди.

"Банк ва молия: янги имкониятлар" сессиясида тизим янада ривожланиб, такомиллашиб, инвесторлар, тadbиркорлар ва миқозлар учун янги замин яратаяётгани таъкидланди. Бироқ тезкор ривожланиш ва ўзгаришлар шароитида янги тенденцияларни кузатиб бориш муҳимдир.

Сўнги йилларда Ўзбекистонда бу борада салмоқли ислохотлар амалга оширилган, жумладан, валюта бозорини либераллаштириш, давлат банкларини хусусийлаштириш бўйича тизимли ишлар давом эттирилаётгани, рақамли платформаларни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратилаётгани эътиборга моликдир.

Ҳеч шубҳасиз, халқаро форум доирасида мамлакатимиздаги барча соҳа ва тармоқларда манфаатли келишувлар, янги инвестицияларни жалб қилишга эришил-

гани ҳар бир йўналишдаги лойиҳалар, энг аввало, мамлакат иқтисодиёти ривожига ҳамда соҳа тараққиётига хизмат қилади.

Зеро, Ўзбекистонда амалга оширилаётган турли инвестициявий лойиҳаларнинг шаффоқлиги ва бу йўналишда бюрократик йўллардан воз кечилаётгани хорижий инвесторларда юртимизда бизнес қилиш истагини оширади. Айниқса, Президентимизнинг форум очилишидаги нутқи барча ишбилармонларни тўлқинлантириб, илҳомлантириб юборди.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон иккинчи бор яна дунё инвесторлари нигоҳига тушиди ва дунё бизнес олами вакилларининг сезимли масканига айланди. Зотан, форум доирасида бўлиб ўтган мулоқотлар ва келишилган шартномалар янги Ўзбекистондаги бизнес учун беқиёс имкониятларни тақдим этади.



Ҳазратқул ХЎЖАМҚУЛОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты

РЕФЕРЕНДУМ ЯКУНЛАРИ: ДЕМОКРАТИЯ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ФАОЛЛИГИ НАМОЙИШИ

◀ Бошланиши 1-саҳифада.



Референдум халқа-ро стандартлар ва меъёрларга, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига тўлиқ мос ҳолда ўтказилди. Ҳар бир сайловчи ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш ҳуқуқига эга бўлди. Алоҳида таъкидлаш жоизки, “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги конституциявий қонун лойиҳаси овозга қўйилган референдумга бир ярим йил мобайнида пухта тайёргарлик кўрилди. Конституциявий қонун лойиҳаси оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниб, халқнинг фикри ўрганилди. Жамоатчилик томонидан 220 мингдан зиёд таклифлар келиб тушди. Уларнинг ҳар тўрттавидан биттаси лойиҳадан ўрин олди. Ушбу таклифлар асосида Конституция моддалари сони амалдаги 128 тадан 155 тага, нормалари эса 275 тадан 434 тага ошди. Яъни, Асосий қонуннинг 65 фоиз матни халқимиз таклифлари асосида янгиланди.

Демократия тамойиллари намойиши саналган сиёсий жараёни 45 та давлат ва 14 нуфузли халқаро ташкилотдан жами 383 нафар халқаро кузатувчи бевосита кузатиб борди. Маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари кенг, очик-ошкора ёритди. Уларнинг назаридан айрим қонунбузарликлар ҳам четда қолмади. Жумладан, Сирдарё вилоятидаги 651-участка, Тошкент вилоятидаги 651-участка, Тошкент шаҳридаги 772-участкада содир этилган ҳолатлар буйича Марказий сайлов комиссияси расмий изоҳ берди.

Референдумнинг дастлабки натижалари юзасидан ташкил этилган брифинг ва матбуот анжуманларида Марказий сайлов комиссияси ҳамда халқаро кузатувчилар миссиялари раҳбарлари, шунингдек, мамлакатимиздаги сиёсий партиялар етакчилари тadbирнинг юксак савияда ташкил қилинганини эътироф этишди. Жумладан, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси лидери Актам Хайтов пойтахтимизда ўтказилган брифингда ушбу референдумдаги фаоллик мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислохотларни одамлар тўлиқ қўллаб-қувватлаётганининг белгиси эканига бежиз алоҳида урғу бермади. Ва давлат раҳбари ташаббуси билан олиб борилаётган очиклик сиёсати келгусида ҳам давом этишини истаётган кўп миллатли Ўзбекистон халқи овоз бериш кунини ўзига хос байрамга айлантирганини О'зЛиДеР муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа деб ҳисоблайди. Шу маънода, 2023 йилнинг 30 апрель санаси мамлакат тарихига зарҳал ҳарфлар билан муҳрланиши аниқ. Чунки айнан буна шу санада Ватанимиз тарихида илк бор Асосий қонун лойиҳасига бутун халқи-

миз ҳамжиҳатликда овоз берди.

Мазкур жараёнда юртдошларимиз юксак сиёсий савияси, ҳуқуқий маданияти ва мамлакат тақдирига бевосита дахлдорлик туйғусини намоеън этгани барчамизга ифтихор бағишлаши табиий, албатта. Овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган ёшу қари Ватанимиз келажаги, фарзандларимизнинг эртанги тақдирига бефарқ эмаслигини амалда кўрсатиш учун оила аъзолари билан биргаликда референдум участкаларига келганини мамнуният билан қайд этиш жоиз.

Партияимиз вакиллари ҳам янада фаровон, тинч ва осойишта турмуш кечириш умидида пиру бадавлат нурунийлардан тортиб, ўлкаимизнинг миллионлаб ёшларини бирлаштирган референдум амалдаги қонунчилик талабларига қатъий риоя этилган ҳолда ўтказилганини қайта-қайта баён этишмоқда. Буни мухбирларимиз бевосита гувоҳи бўлган қўйидаги мисоллар ҳам яққол исботлаб турибди.

Тошкент шаҳри Миробод туманидаги 131-референдум участкасида 3 минг 371 нафар фуқаро рўйхатга олинган бўлса, уларнинг 90 фоиздан ортиги референдумда иштирок этиб, ўз хоҳиш-иродасини билдирди. Участка раиси Шохидат Имомованинг қайд этишича, Тонг юлдузи ва Фурқат маҳаллалари аҳолисидадан участкага келиш имкони бўлмаган 42 нафар нуруний ва ногиронлиги бор шахсларнинг хонадонларида овоз беришга шароит яратилди.

Кун давомида халқаро ташкилотлар, сайлов органлари ва хорижий давлатлардан жами 383 нафар аккредитациядан ўтган хорижий мутахассис фуқароларимизнинг ҳудудларда ташкил этилган участкаларда референдумдаги иштирокини кузатиб боришди. Масалан, Туркий давлатлар парламенти ассамблеяси миссияси аъзоси Казибек Исса “инсон – жамият – давлат” концепциясига қурилган янги тахрирдаги Конституция мамлакат тараққиёти, барқарорлиги йўлида хизмат қилишига ишонч билдирди. Меҳмон ташриф буюрган участкада 85 ёшли бир онахон ҳам овоз берди. Жаноб Казибек Исса бу ҳолдан хайратга тушганини яширмади.

Бош қомусимизга киритилаётган ўзгариш ва қўшимчаларга аҳоли бефарқ эмаслигини ҳар қадамда кўриш мумкин бўлди. Ўз хоҳиш-истакларини намоеън этиш, янгиланишларга муносабат билдириш мақсадида юртдошларимиз эрта тонгдан референдум участкаларига чиқишди. Қувонарли жиҳати, бу воқеликка хориждаги ватандошлар ҳам умид билан қараяпти.

Лондон шаҳридаги консуллик идорасида ташкил этилган референдум участкаси Буюк Британияда яшайдиган ватандошларимиз билан гавжум бўлди. Эътиборлиси, Бирлашган Қиролликнинг турли шаҳарларида яшаётган, ўқиётган юртдошларимиз бир неча соатлаб йўл юриб, референдум участкасига келиб овоз беришди.

Барчамизга яхши маълумки, давлат раҳбарининг расмий ташрифларини ташкил этиш юксак салоҳият ва муайян вақт этади. Ана шундай тадбирларга тадорик кўриш учун Германияда хизмат сафарига бўлиб турган мутасаддилар электрон рўйхат асосида ўша ернинг ўзида овоз бериш имкониятига эга бўлдилар. Хусусан, инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Лазиз Қудратов бошчилигидаги делегация аъзолари мамлакатимизнинг Берлиндаги элчихонасидаги референдум участкасида ўз ҳуқуқларидан фойдаландилар. Умуман олганда, Ўзбекистоннинг 39 та давлатдаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурлида 55 та референдум участкалари эрталар соат 8.00 дан кеч соат 20.00 гача фаолият кўрсатди.

Ўзбекистонга референдумни кузатиш мақсадида келган OISCA халқаро ташкилоти вице-президенти Юношин Курода журналистлар билан суҳбатда Японияда сайлов, референдум ўтказиш буйича катта тажриба тўпланганини маълум қилди.

– Мамлакатингизда ҳам бу жараён яхши ташкил этилганини, аҳоли тартиб билан овоз берганини ўз кўзим билан кўрдим. Уларга турли йўсинда таъсир қилиш ҳолатлари ёки ҳуқуқларини чеклашга қарши ҳеч қандай ҳаракат кузатилмади, – дейди кунчиқар юртдан келган меҳмон. – Ўзбекистонга илк бор келишим. Тошкент чиройли ва тараққий этган шаҳар экан.

Бундай илиқ фикрлар, юқоридагидек ижобий ангилликларни эшита туриб, оддий савол туғилиши табиий: хўш, нақд 12 соат давом этган референдумда бирорта қонунбузилиш юз бермадими? Йўқ, деб жавоб бериш нафақат ёлғон, балки ҳақиқатга терс қараш билан баробар бўлар эди. Очигини айтиш керак, баъзи жойларда белгиланган қоидаларга амал қилмаслик ҳолатлари рўй берди. Энг муҳими, уларга Марказий сайлов комиссияси ҳам, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳам зудлик билан “реакция” қилиб туришди. Аввалги замонлардагидек шунчаки рад этилмади, аксинча, ҳолатнинг сабаблари дарров ўрганилди ва жамоатчиликка маълум қилинди. Бундай иллатларнинг томирини қирқишга кўмаклашган журналист ва блогерларга, жонкуяр кузатувчиларга миннатдорлик билдиришди.

Мисол учун, яқшанба кун ижтимоий тармоқларда Тошкентдаги 772-участкада референдум ўтказиш буйича комиссия аъзоси бўлган аёл кетма-кет олти бюллетеннинг “Ҳа” каттаги тўғрисида белги қўйгани акс этган видео тарқалди. Мазкур хабар юзасидан Марказий сайлов комиссияси вакиллари тезкор тадбир ўтказишди. Аниқланишича, маҳалла фаоли ва референдум участка комиссияси аъзоси ҳисобланган фуқаро Т. Н. ўзбошимчилик билан бюллетенлардан 6 донасини олиб, оила аъзолари номидан референдум қонунчилигини бузган ҳолда уларга белгилар қўйган. Ҳолат юзасидан 14-Тошкент шаҳар референдум ўтказувчи округ комиссияси томонидан прокуратура органларига тегишли маълумотнома киритилди.

Кун якунида, яъни овоз бериш тадбирлари ниҳоясига етгач, Марказий сайлов комиссияси баъзи участкаларда “овоз беришининг умумий натижаларига таъсир қилмайдиган” қоидабузарликлар қилинганини тан олгани ҳам демократик тамойил намойиши бўлди. Зотан, илгари бизда ҳаммаси “аъло” дейилиб, негатив маълумот тақдим этганнинг ўзи тухматчиға чиқариларди.

Виртуал олам шунчалик кенги, унда ишончли ёки расман тасдиқланмаган ахборотни ажратиб олиш бироз мушкул. Ана шу нуқтаи назардан қараганда, бу галги сиёсий тадбирда ҳам аниқ манбага суянмаган маълумотлар ижтимоий тармоқлардан ўрин олгани бежиз эмас. Чунончи, олий таълим муассасалари талабалари референдумга боришга мажбурланаётгани билан боғлиқ хабарларни айрим блогерлар масаланинг тагига етмасдан тарқатишди. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ушбу ҳолат юзасидан расмий муносабат билдиргунча бунга инсонлар ҳам топилди. Лекин биз интилайётган очик жамият талаби асосида бўлмағур ғийбатларга вақтида барҳам берилди. Одамлар унинг “фейк” эканини қисқа муддатда англашди.

Халқаро кузатувчиларнинг ниҳоятда холис фикрлари, самимий мулоҳазалари ҳақида гап кетганда, журналистлар табиатан кузатувчи эканини унутмаслик муҳим. Сиёсий тадбирни ёритиб келаётган ҳамкасбларимиз ўз вазифаларини астойдил бажариш баробарида ҳоқиму вазирлар, маданият ва санъат намояндлари, уларнинг оила аъзолари референдумда қандай овоз берганига диққат билан разм солишди. Ўткир нигоҳлар ва фотокамералар объектида юзлаб таниқли инсонлар муҳрланди.

Ўзбекистон халқ артистлари Озодбек Назарбеков ва Замира Суенова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Ғиёс Бойтоев, Равшан Комилов ва

Мавлуда Асалхўжаева, “Шухрат” медали соҳибаси Озода Нурсайдова, “Божалар” гуруҳи солисти Жаҳонгир Позилжонов, кино ва театр актрисаси Дилноза Кубаева, ёшларнинг сеvimли хонандалари Лола Йўлдошева ва Сардор Мамадалиев каби ижодкорлар эрталабдан ўзлари истиқомат қиладиган ҳудудлардаги референдум участкаларига чиқиб бошқаларга ўрнат бўлишди. Невараларини етаклаб олган ҳуқумат аъзолари эса янгиланаётган Конституция келажақ қомуси эканини яна бир бор эътироф этдилар.

О'зЛиДеРнинг қайси вилоятдаги кузатувчиларига сим қоқмайин, тахририятнинг қайси ҳудуддаги мухбирлари билан мулоқот қилмайин, уларнинг аксарияти вилоят ва туман ҳоқимлари, маҳаллий ташкилотлар раҳбарлари референдум участкаларига оила аъзолари билан бирга келганини айтишди. Юртимизнинг шарқи саналган водийда ҳам, фарби ҳисобланган воҳаларда ҳам, жанубий сарҳадларимиз ва шимолий ҳудудларимизда ҳам ана шундай манзарага гувоҳ бўлди.

Бу каби кўнгилга таскин бергучи воқеа, ҳолатларга алоҳида урғу бераётганимнинг боиси шу, аввало, оила аъзоларининг аҳиллигини таъминлаган, уларни ягона мақсадга жипслаштирган инсонгина турфа идоралардаги меҳнат жамоаларини бирлаштириб, қўл остидагиларни иноқликда эзгу саъй-ҳаракатларга рағбатлантира олади. Шу йўл билан биз орзу қилаётган Янги Ўзбекистонни тезроқ қуришга астойдил ҳисса қўшади. Тўғри, ҳалиям орамизда оёғи ердан узилган амалдорлар, халқона ибора билан айтганда, гуруч ичидаги курмаклар ҳам йўқ эмас. Уйлайманки, янгиланаётган Конституция кучга кириши ордидан уларнинг сафи ўз-ўзидан қисқара боради. Зеро, доно халқимиз ана шундай улугвор ниятда Асосий қонунга ўзгаришлар қиритишни ёқлаб овоз берди. Элининг истаги ҳеч қачон сароб бўлиб чиқмағай.



Озод РАЖАБОВ,
шарҳловчи

Фаоллик, бирлик, ҳамжиҳатлик тантанаси

2023 йил 30 апрель, Якшанба...

БУ – ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ УЧУН ЎЗИГА ХОС ТАРИХИЙ КУН БЎЛИБ ҚОЛАЖАГИГА ШУБҲА ЙЎҚ. ЧУНКИ УШБУ САНАДА “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ТЎҒРИСИДА”ГИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ УЧУН ЎТКАЗИЛГАН УМУМХАЛҚ РЕФЕРЕНДУМИДА МАМЛАКАТИМИЗ АҲЛИ ЎЗ ТАНЛОВИНИ БИЛДИРДИ. ОВОЗ БЕРУВЧИЛАР РЎЙХАТИГА КИРИТИЛГАН 19 МИЛЛИОН 722 МИНГ 809 НАФАР КИШИДАН 16 МИЛЛИОН 673 МИНГ 189 НАФАРИ МУҲИМ СИЁСИЙ ТАДБИРДА БЕВОСИТА ҚАТНАШГАНИ, УМУМИЙ ДАВОМАТ 84,54 ФОИЗНИ ТАШКИЛ ЭТГАНИ ҚУВОНЧЛИ КЎРСАТКИЧДИР. ОВОЗ БЕРГАНЛАРНИНГ 90,21 ФОИЗИ КОНСТИТУЦИЯНИ ЎЗГАРТИРИШГА РОЗИЛИК БИЛДИРДИ. РЕФЕРЕНДУМ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ВА МЕЪЁРЛАРГА, ШУНИНГДЕК, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING АМАЛДАГИ ҚОНУНЧИЛИГИГА ТЎЛИҚ МОС ҲОЛДА ЎТКАЗИЛДИ.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ФАРОВОН ҲАЁТ УЧУН ОВОЗ БЕРДИМ

Қорақалпоғистон Республикасининг шаҳар ва туманлардаги 653 та референдум участкасида жами 845 минг 352 нафар фуқаро овоз берди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби туманимизда ҳам ушбу муҳим сиёсий жараёнга пухта ҳозирлик кўрилди. Референдум ўтказувчи участкалар зарур жиҳозлар, ахборот технологиялари воситалари билан жиҳозланиб, фуқароларнинг эмин-эркин овоз беришлари учун барча шароитлар яратилди.



Мен ҳам 93-референдум участкасида эрта тонгдан бир қатор ҳамкасбларим билан биргаликда мамлакатимиз келажаги ва фаровон ҳаётимиз кафолати учун овоз бердим.

Муқаддас БЕКНАЗАРОВА,
Амударё туманидаги “Фаровон” МФЙда ҳоким ёрдамчиси,
Халқ депутатлари Амударё туман кенгашидаги
O‘zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

ПОЙТАХТДА БАЙРАМОНА РУҲ

14-Тошкент шаҳар округи ҳудуди бўйича 823 та референдум участкаси тузилиб, ишлар қонун доирасида, белгиланган тартибда олиб борилди. Барча участкалардаги комиссиялар референдум жараёнларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида ўз ишлари қонунийлик, холислик, очиқлик, ошқоралик ҳамда шаффоқлик тамойилларига тўла амал қилган ҳолда ташкил этгани диққатга сазовор. Шунингдек, бошқа сиёсий партиялар қаторида O‘zLiDePдан ҳам овоз бериш участкаларига бир нафардан кузатувчи қўйилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Сиёсий таълим маркази томонидан барча кузатувчилар учун ўқув семинар ташкил этилиб, берилган зарур кўникма ва малакалар, тавсиялар жараёнда асқотди.



Халқимизнинг сиёсий жараёнларга бефарқ эмаслиги яна бир марта амалда исботланди. Айтиш мумкинки, янгиланган Конституция ўзи ташаббускори, ўзи ижодкори бўлган халқимизнинг, бирлигимизнинг, ҳамжиҳатлигимизнинг тантанаси бўлди.

O‘zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши
матбуот хизмати

ҚАШҚАДАРЁ

ИСТИҚБОЛГА ДАХЛДОРЛИК ШУ-ДА

Вилоятнинг 2 та шаҳар ва 14 та туманида жойлашган 1002 та референдум ўтказиш участкасида овоз бериш жараёни байрамона ташкил этилди.

– Янгиланган Конституциямизда давлат ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлайди, жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантиради, деган норма мустаҳкамланганидан мамнунмиз, – дейди Қарши давлат универ-

ситети “Ёшлар қаноти” етакчиси Достон Равшанов. – Давлат ёшларнинг маънавий, интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан шаклланиши ҳамда ривожланиши учун, таълим олиш, соғлиғини сақлаш, уй-жой олиш, ишга жойлашиш, бандлик ва дам олишга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш учун шарт-шароит яратди, деган меъёرنинг киритилиши биз учун кенг имкониятлар эшигини очди.

– Ишбилармонлик фаолиятини энди йўлга қўйган йиллари жиддий қийинчиликларга дуч келганман. Бундан узоқ эмас, 6 йил аввал ҳам солиқ идоралари ва банк ходимлари роса саргардон қилишгани ҳеч эсимдан чиқмайди, – дейди қаршилик тадбиркор Саъдулла Жўраев. – Ана энди ғайрат-шижоат билан ишлайдиган давр келди деб ўйлайман. Конституциямизнинг 65-моддасида мулкдор ўз мол-мулкидан қонунда назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари ҳамда суднинг қарорига асосланмаган ҳолда маҳрум этилиши мумкин эмаслиги, хусусий мулк дахлсизлиги қонуний мустаҳкамлаб қўйилгани биз ишбилармонлар учун айна муддаодир. Шу боис биринчилардан бўлиб тадбиркорлик ривожини, хусусий мулкнинг ишончли ҳимоясини таъминлайдиган ҳужжатнинг янгиланиши учун овоз бердим.



– Кейинги йилларда амалдаги Конституция асосида инсон қадрини улуғладиган демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини қурish мақсадида кенг қамровли янгиланишлар ва ислохотлар амалга оширилди, бу борада бой тажриба тўланди, – дейди O‘zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши раиси Шўхрат Асланов. – Ўзбекистон бугун ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўймоқда. Янги таҳрирдаги Конституцияда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати, дахлсиз ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш, эркин ва адолатли фуқаролик жамиятини ривожлантириш ҳамда демократик ҳуқуқий давлат қуриш билан боғлиқ ўзгаришлар аҳамиятлидир.

– Биз кексалар инсон қадрини улуғлаш, инсонга хизмат қилишдек олижаноб мақсад учун овоз бердик, – дейди яккабўғлик фахрий ўқитувчи Раҳмат бобо Барноев. – Янгиланган Бош қомусимизда ҳар бир инсон учун фаровон турмуш даражаси, хусусан, сифатли таълим, кафолатли тиббий хизмат, муносиб меҳнат шароити ва адолатли иш ҳақи, пенсия ҳамда нафақалар, ижтимоий ёрдам ва хизматлар тизими кафолатланган.

Қашқадарёдаги барча референдум участкаларида овоз бериш жараёни ҳамжиҳатлик билан байрамона тарзда ўтказилди.

Сайфулла ИКРОМОВ,
“XXI asr” мухбири

ЖИЗЗАХ

ЭКСПЕРТЛАР ЭЪТИРОФИ

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби 4-Жиззах округ комиссияси ҳудудидаги 1 та шаҳар ва 12 та тумандаги жами 522 та референдум участкасида ҳам мадҳиямиз янграб, муҳим сиёсий жараён – Ўзбекистон Республикасининг референдуми бошланганидан дарак берди. Вилоятда мазкур сиёсий жараёнда иштирок этиш ҳуқуқига эга 785 494 нафар овоз берувчилар рўйхатга олинган бўлиб, улардан 256 255 нафари ёшлар эди.

Фуқароларнинг юртимизда кечаётган сиёсий жараёнларга, ўз тақдирларига бефарқ эмасликлари референдум кунини яққол кўзга ташланди.



– Биз нурунийлар ушбу Конституциявий қонун лойиҳасини синчковлик билан таҳлил қилиб чиқдик, – дейди Жиззах шаҳридаги 39-референдум участкасида биринчилардан бўлиб овоз бериш учун келган 78 ёшли Исломулло ота Эшонқулов. – Янгиланган Бош қомусимиз фарзандларимизнинг бахтли келажагига муҳим ҳуқуқий пойдевор бўлишига ишончимиз комил.

Вилоятдаги референдумда овоз бериш жараёнларини халқаро экспертлар ҳам кузатиб боришди.

– Янги Ўзбекистоннинг янги таҳрирдаги Конституцияга эҳтиж борлигини мантиқан тўғри деб ҳисоблайман. Бу ҳужжатда, айниқса, ўқитувчилар мақоми қатъий этиб белгилангани хайрлидир, – деди халқаро кузатувчилардан бири, А.Баховиддинов номидаги Тожикистон Миллий фанлар академиясининг фал-

сафа, политология ва ҳуқуқ институти директори ўринбосари Рустам Ҳайдаров биз билан суҳбатда.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,
“XXI asr” мухбири

БУХОРО

ЭРТАМИЗГА БЕФАРҚ БЎЛМАДИК

Референдум олди тарғибот-ташвиқот тадбирларининг юқори савияда ўтказилгани ҳамюртларимизнинг бугун ва эртага бўлган қатъий ишончини бир неча бараварга оширгани бор гап. Шу боис муҳим сиёсий тадбирда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган 173 313 нафар ғиждувонликнинг кўпчилиги жойлардаги участкаларга йўл олишлари, ҳеч муболағасиз, халқимиз бирдамлиги ва ҳамжиҳатлигининг, Ватан тақдирига бефарқ эмаслигининг амалдаги ифодасига айланди.



Ҳамкасбларим, оиламиз аъзолари қаторида 30 апрель тонгида ҳудуддаги 549-референдум участкасига бориб, бунёдкор халқимиз бахт-саодати учун овоз берар эканман, оддий бир шифокор сифатида бундан кейинги орзу-мақсадларимга эришишимда суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат ҳимоясида эканимни қалбим ҳис этдим.

Гулбаҳор ШАРОПОВА,
“G‘ijduvon diagnostika maskani” ҳамда
“Marjon stom servis” хусусий
корхоналари раҳбари, халқ депутатлари вилоят
кенгаши депутати

ЁШЛАРГА ЙЎЛ БЕРАЙЛИК

Бухоро давлат университетидеги 20-референдум участкаси бўйича овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган турли ёш ва касбдаги 2 616 нафар фуқаронинг асосий қисми куннинг биринчи ярмидаёқ ўз конституциявий ҳуқуқидан фойдаланди.

Эътиборлиси, улар орасида референдумда илк марта овоз берган 17 нафар йигит-қиз бор эди. Университет тарих-юримдик факультети талабаси, сурхондарёлик Фотима Холмуродова ҳам ўз тенгдошлари қатори мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий жараёнда фаол қатнашган мамнунчилигини, зотан, конституциявий қонун лойиҳасида ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлади.

– Конституциявий қонун лойиҳасида барча соҳалар қатори мамлакатимиз таълим тизимини ривожлантириш, соҳа ходимлари қадр-қиммати ва обрў-эътиборини ошириш бўйича белгиланган нормалар чиндан-да эътиборга сазовор, – дейди тарих-юримдик факультети ёшлар етакчиси, партия вилоят кенгаши “Ёшлар қаноти” фаоли Беҳруз Шўкуров. – Устозларимизга кўрсатилган давлат сиёсати даражасидаги ғамхўрлик юртимиз таълим тизимига ҳам ижобий таъсир кўрсатиши, пировардида ёшларимизнинг билим даражасида ҳам туб бурилиш рўй бериши ўз-ўзидан аён.

Асхор ИСТАМОВ,
“XXI asr” мухбири





“ЮРТСЕВАР” ҚЎШИҚЧИЛАР нега хорижий ўлкаларда клип олишяпти?

...Давлат ҳамда хусусий телеканалларда ўзларига “эл суйган” деган ёрлик ёпиштириб олган сонсиз-саноксиз хонандаларнинг бир-бирига ўхшаш оҳанг қўшиқлари, бир хил мазмун ва кўринишдаги клиплари кунаро “болалаб” ётибди. Қўшиқ матни, мусиқа уйғунлиги назорати анқонинг уруғига айланган замонда шуларни эшитишга мажбурсан.

Буям майли, аммо сўнгги вақтларда айрим клиплар бошқа давлатларда олинаётгани ҳақи равишда ушбу мулоҳазаларни қоғозга туширишга ундади.

Ҳа, дарвоқе, хоразмлик санъаткорларнинг аксари ўз ижро намуналарига клипни қадим Хива шаҳри меъморий обидалари пойида олишга зўр беришади. Бу ерда қўшиқ ё матнинг мазмуни ҳеч қандай аҳамият касб этмайди. “Сен куйдинг, мен ўлдим” қабилидаги хиргойсини ҳам ҳеч иккиланмай Исломуҳжа минораси тагида куйлаётган ва хиром айлаганча жазавага тушиб уйнаётган раққослар эн-самизни қотиради, холос.

Майли, бу каби қўшиқлар телеэкранларда намойиш қилиниши натижаси ўлароқ қадим элимизга маҳаллий сай-

ёҳлар оқими кўпаяр, ҳар ҳолда, клиплар қадим шаҳарнинг ўзига хос рекламаси-да, деймиз хотиржам тортиб.

Лекин “севимли, эл ардоғидаги” деган дабдабали мактову ёрлиқи хонандаларнинг Дубай ёки бошқа Шарқ мамлакатларидаги осмонўпар бинолар, кўркам манзилларда клип ишлашларидан не маъно? Бу билан улар гўёки ўзларини юрткезар қилиб кўрсатмоқчи ёки пули кўп, бой-ваччаларига ишорами бу?

Билмадик!
...Эслолмадим, шу кунгача бирор хоразмлик хонанда воҳадаги энг қадим – ёши уч минг йилга яқин бўлган Ҳазораспдаги Дев харобалари пойида ўз қўшиғига клип олгани йўқ! Ёки Шовотдаги қадим Катқаъла ва ё Боғотдаги Қалъажик ёнида-чи? Кўҳна Хоразмнинг ҳақиқий кўзгуси бўлган дарё ортидаги эллиқдан ортиқ қадим қалъалар нега хонандалар эътиборидан четда қолиб кетаётганини ким изоҳлаб бера олади бизга?

Энг асосийси, шубҳасиз, бу қалъалар ёнида олинган клиплар томошабинларни юрт тарихига қайта назар ташлашга ундайди, ёш авлод хотирасига қадрият бўлиб куйилиб қолади-ку ахир!

Қолаверса, беш-ўн қадам наридаги кўҳна қалъаларда клип олиш унчалик катта харажат ҳам талаб қилмайди. Вақтдан ҳам ютилади.

Аслида қадим меъморий ва археологик иншоотлар пойида олинадиган клипларда куйланадиган қўшиқ шунга мос бўлиши керак. Раҳматли Комилжон Отаниёзов ёки Отажон Худойшукров Хива обидалари фониде мумтоз қўшиқларимизни маромига етказиб куйлаган. Бу ерда уйғунлик бор!

Ёки марказий телеканалларда ҳам қадим Самарқанд, Бухоро ёки Термиз шаҳарларидаги меъморий обидалар атрофида суратга олинган клипларга деярли кўзимиз тушмайди.

Ақсинча, “юрткезар” хонандалар катта пул сарфлаб, минг-миглаб чақирим узоқликдаги ўзга давлатларга бориб, ўзларини кўз-кўз қилишни ҳозир “кимўзар”га айлан-тириб олишган.

Ҳатто қитъалар ошиб, тупканинг тағидаги Австралия пойтахтида суратга олинган қанчадан-қанча клипларни ҳам кўрдик. Айримларнинг Москвадан замонавий қўшиғига “мос майдон” топаётганига нима дейсиз? Ҳатто океан ошиб, Америкадаги Озодлик ҳайкалини қуруқлиғи сувдан “забт этиб” бўлишди.

Энди хонанданинг каттагина гуруҳи (созандалар, раққосалар) ва тасвирга олиш жамоаси учун сарфланаётган маблағни кўз олдингизга келтиринг. Бу ерда маблағ унлик тизимда ҳисобланади.

Балки бу клиплар қайсидир сайёҳлик компаниясининг маблағлари ҳисобидан бўлаётгандир? Бу клип компаниялар учун сайёҳлар ёллашда реклама вазифасини бажараётгандир, деймиз-у, аммо клип тасвирларида бир қатор эслатмага ҳам кўзимиз тушмагани боис бу фикрдан қайта-миз ва ўз фикримизда қоламиз, яъни ушбу клиплар хонандаларнинг ўзларини – ўз бойликларини кўз-кўз қилишдан бошқа нарса эмас.

Яна денг, баъзи реклама роликларида сизу бизнинг тушимизга кирмайдиган энг сўнгги русумдаги қиммат-баҳо автомашиналарни кўргач, юқоридаги шубҳамиз ўз исботини топади.

Шу ўринда ватанпарварлик борми бизда, деган ҳақли савол туғилади. Аввал ўз юртимизни дунёга кўз-кўз қилсак ярашмайдимиз?!

Нима деймиз? Бундай сохта “санъаткор”ларга қарата устоз Комилжон Отаниёзов куйлаган қўшиқ сатрларини яна бир қарра эслатишга мажбурмиз:

**Ўзга юртининг боғи билан боғчаси,
Ўз юртининг янтоғича кўринмаси..**

**Рўзимбой ҲАСАН,
“XXI asr” мухбири**



ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР, ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ КЕНГАШИ ЖАМОАСИ

9 май – Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан барча юртдошларимизни, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини самимий муборакбод этади.

Ватанимиз равнақи, дастурхонимиз фаровонлиги йўлидаги шарафли фаолиятингизда улкан зафарлар ёр бўлсин.

Тинчлик ва осойишталик барқарор бўлган, меҳр-оқибат кўрсатиш ва инсон қадри юксалаётган юртимиз тараққиётига ҳисса қўшишдан чарчаманг, фидойи миришкорлар!



БУ ҲАҚДА КЎП БОРА ЁЗДИМ, ЁЗГИРДИМ. “БЕФОЙДА, КУЙИНМАНГ, КУРАШ, УМУМАН СПОРТ БИЗНЕСГА АЙЛАНИБ БЎЛДИ”, ДЕГАНИДА ТАНИҚЛИ ПОЛВОННИ ҲАТТО ЖЕРКИБ ҲАМ БЕРДИМ: “НЕГА БУНДАЙ ДЕЙСИЗ, БУНДАН ЎТТИЗ-ҚИРҚ ЙИЛ БУРУН СИЗАМ ДАВРАГА ТУШГАНСИЗ-КУ АХИР, ОДАМЛАР ФИРРОМ ЙИҚИТГАННИ ҲЕЧ ҚАЧОН ТАН ОЛМАСДИ, ТЎҒРИМИ, БАКОВУЛЛАР ҲАМ ОДАМЛАРГА ҚУЛОҚ СОЛАРДИ...”

ТҮЙ КУРАШИ:

ҲАЛОЛ ВА ФИРРОМ АСОСИЙ МЕЗОННИ ЁКИ?..

Хўш, кейинги пайтларда, майли, бошқа спорт турлари ҳақида баҳслашмайман, лекин ҳақиқий мардлик, жисмоний куч ва ирода тимсолига айланган ўзбек миллий курашининг бир бўлаги бўлмиш тўй курашлари нуқул жанжал, тарафқашлик қилиш майдонига айланиб бораётти? Сабаби нима? Нега катта-кичик минбарларда ўзларини одил, адолатли деб мақтаниб юрган ҳакамлар, халқона ибора билан айтганда, баковуллар бу ҳақда бонг урмаяпти?

Ўтган йилнинг баҳор-куз ойларида Сурхондарёда, Қашқадарё вилоятининг Чироқчи, Яккабоғ, Китоб туманларида, Самарқанд вилоятининг тоғли Жом қишлоғида бўлиб ўтган неча ўнлаб курашли тўй-томшаларда қатнашиб келган бир танишим куйиниб гапириб қолди:

“Мана, кечаям тўполон бўлиб кетди бир тўйда. Сурхондарёлик полвон қосонлик рақибини зўр усул қўллаб йиқитди. Ҳамма одам ҳалол деб турибди-ю, ўртадаги баковул эса жим. Йиқилган йигит сакраб туриб, фирром бўлди, деса бўладими. Энди кўринг томошани, икки тарафни зўрга тинчитишди. Охири, енгилгани мухлисларнинг ўзи даврдан чиқариб юборди.

Буни ҳола ҳали. Жаҳон чемпиони бўлган полвон-



ҳар ким эпллол-майди. Тўй курашлари бўйича энг катта устозимиз қашқадарёлик Жамол ҳожи ака эди. Кўп йиллар Самарқанддаги спорт мактабидега тренерлик қилиб, юзлаб полвонларни тайёрлаган инсон. Ҳозир хорижда ишлаяпти шу соҳа бўйича. Сурхондарёда ака-ука Зафар ва Зокир Мамарасулов, Қашқадарёда Абдурауф полвон, Норқа Жалил, Инат ака, Комилжон деган шундай

М а в л о н полвон, Мўйдин (Миша) полвон, Қаландар полвон, Файзи қатала, Исроил полвон Тўхтамишев, Душа полвон, Чори полвон Шарипов, ака-ука Юсуповлар, Бобомурод полвон, Собир Қурбонов, Абдуқодир полвон, Эрали полвон, Тоштемир полвон, Абдулла Тангриев, Баҳром Авазов, Хусан полвон Турдиев... бу рўйхат жуда узун аслида (ҳозир эсимга тушганларини ёзганман фақат). Улар давраларни қандай титратганига гувоҳимиз.

Бугун ҳам муносиб издошлар кам эмас. Қай бирини санайин? Бекмурод Олтибоев, Шерали Жўраев, Муҳаммадқарим Хуррамов, Зоҳиди Мухсин полвонлар, Самюю Арслон, Эҳсон Эъзоз, Норқувват, Жалолу Болтабой Болтаев, Эркин Қозоқов, Нурбеку Элбек, Зиёдулло Зиёвуддин, Уткирбек, Музаффар полвон, тожикистонлик Дадахону Темур, Хуршед, Ҳақназар, Жаҳонгир полвонларни ҳар қанча фахр билан тилга олсак арзийди... бу рўйхатнинг охири йўқ. Бари ор учун, ғурур учун даврага тушяпти, қанчаси Осиё, жаҳон чемпиони. Аксарияти фақат миллий курашдагина эмас, балки дунёда тан олинган дзюдо кураши бўйича ҳам номдор, доврўқ таратиб келмоқда. Президентимиз, ҳукуратимиз томонидан спортга берилган эътиборни кўриб турибмиз. Шу кунларда мамлакатимизда жаҳон миқёсидаги спорт беллашувлари ҳам бежиз ўтаётгани йўқ. Демак, полвонлар ортидан ҳалоллик келаверади. Бир замонлар осойёлик спортчи бўлгани учун қанчалар хўрланганини эшитганмиз полвон боболаримиздан. Бугун дунё тан берапти бизнинг боксчи, шахматчи, курашчиларимизга.

Ўйланг, бир инсон, неча ўн йиллаб эл-улус олдида ўтмоқ (аслида бундай ортиқча дабдалалар керакми ўзи деб ҳам ўйлаб қолади одам. Лекин на илож, бу халқ бор топганини беҳудага сарфлаб ўрганган, бу каби ортиқча ҳашамлардан қайтариш осон кечмаяпти) умидиди манаман деган полвонларни чорлаб кураш беради. Кўп тўйларни кузатяман. Тўғриси, элчилик-да, оқибатни қарангли, тўйларда ўтаётган кураш ё кўпқари-улоқларда хонадон эга-



Муҳаммадқарим полвон Хуррамов

ни, отини айтмайман, ҳамма танийди, бошқа бир, кўпам танилмаган ёш полвон енгиб қўйди. Бечора йиқитган йигит балога қолди ишонсангиз. Чемпион укамиз ҳалигини олишасан, деб судраяпти. Халойик ҳайрон. Ҳалол йиқитган полвон қўлини кўксига қўйиб, бўлди, устоз, мен енгилдим, зотини беринглар, деб турибди. Охири саксон ёшлардаги бир ҳожи бува микрофонни қўлига олиб, “Ҳой баковул, сени кўзинг қаёқда, жамоат ҳалол деб турибди-ку, бер полвоннинг туясини. Сен, чемпион болам, энди кўзингни оч. Юлдузлик касалига чалинма. Сендан ҳам зўрлар борлигини эсдан чиқарма. Буни кураш деб қўйибди, чидаганга чиқарган!” деганидан сўнггина давра тинчиди.

Бу нима аҳвол энди? Деярли ҳамма тўйда шундай кўнгилсиз воқеалар рўй берапти. Бугунги полвонларни тушунмай қолдим, нима, айримларини жин чалганми, сал баҳона топиб мушллашиб кетяпти. Кейин тараф-тараф бўлиб уришяпти. Мелисалар ҳам эпллолмаяпти баъзан. Шу даражада ваҳшийлашиб кетяптики полвонлар. Шахсан менам олишганман бир замонлар. Лекин ҳеч қачон рақибимга душманлик кайфиятида бўлмаганман. Менимча, энди курашли тўйларни тартиб-интизом билан ўтказиш бўйича жиддий ўйлаб кўриш керак.

Яна бир муаммо кўпчиликни ўйлантиряпти бугун. Кураш ўша худуд миқёсида бўлса-ку, майли, ҳамма хурмат қиладиган баковуллар эпллайди. Лекин мамлакат ёки қўшни республикалардан ҳам полвонлар қатнашаётган тўйларда ҳакамлик қилиш жуда оғир кечяпти.

Курашининг азалий қоидаси битта, бу – ҲАЛОЛЛИК! Баъзан ана шу меzon бузилаётгани боис низолар келиб чиқаётгани сир эмас. Аксарият худудларда бир замонлар доврўқ таратиб, энди қарилж гаштини суриб юрган полвонлар баковуллик қилган тўйларда норозилик кам учраяпти. Лекин...

Жомғир ҚУВВАТОВ, фахрий полвон, сурхондарёлик таниқли баковул:
– Ҳозир ҳакамлик қилиш жуда оғир. Нега денг-да, полвон кўп, зўрлари унданам кўп. Расмий мусобақа бўлса экан, вазни, бўйига қараб рақиб танланса. Тўйда фарқи йўқ. Ҳар ким ҳам даврага отилиб чиқавермайди. Юрагида ўти бор йигит полвон бўлади.
Баковуллик аслида катта мактаб, билсангиз. Бу ишни

адолатлаб, инсофли баковуллар борки, улар қатнашган тўйларда норозилик, гина-қудурат бўлмайди.

Тўғри айтдингиз, тўй кураши катта ареналар учун ўзига хос зинапо вази фасини ўтаёпти. Ҳозирги полвонлар жудааям ақлли, чиниққан, шунга яраша кучли. Чунки улар мактаб кўряпти, устоз кўряпти. Шароит бор, имконият зўр, фақат ўз устида ишлаш керак. Халқаро мусобақаларга бориб келяпти, тажриба ортиряпти. Масалан, Тожикистонда энг оммавий спорт турига айланган гуштингири бўйича ўтказилаётган нуфузли беллашувларда бизнинг полвонларимиз неча марта ғалаба нашидасини суришди. У ҳам худди ўзимизнинг курашимизга жуда яқин. Ёки грузин, қозоқ полвонлари билан ҳам бемалол гиламга чиқиб, малака ортиряшаётгани кувончли.

Бу тўй кураши бўйича эл-улус орасида обрў-эътибор қозонган фидойи бир инсоннинг самимий эътирофи ва мулоҳазаларидир. Шахсан мен ҳам бир мухлис, ишқибоз сифатида бугунги ўзбек курашидаги айрим қондалардан кўнглим тўлмаётгани рост. Майли, ўзбек миллий кураши бўйича халқаро миқёсда ўтаётган мусобақаларнинг йўриғи бошқа. Бунинг учун таъсис этилган асосий қоидаларга қарши эмасман. Дунё аренасидаги нуфузи ва тан олиниши билан боғлиқлигини тушунаман. Ҳақиқий шарқона спорт турига айланиб улгурган курашимизни тарғиб этиш, оммавийлаштириш бўйича беминнат хизмат қилиб келаётган инсонлар, жумладан, ўша машҳур қорақўллик Юсуповлар сулоласи вакиллари ва юзлаб жонқуяр полвонлар, ҳакамлар, тренерларга ҳар қанча таҳсинлар айтсак арзийди. Уларнинг камтарин хизматларини халқимиз ва давлатимиз муносиб баҳолаб келяпти ҳам. Лекин, минг афсуски, аксарият номдор полвонлар учун катта мактаб вази фасини ўтаётган ТҮЙ КУРАШЛАРИ мавзуси ҳамон жиддийлигича қолаётти. Масалан, миллий кураш азалдан Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Хоразм, қўшни Тожикистоннинг айрим вилоятларида жуда оммалашган. Фарғонача кураш тури (белбоғли) эса асосан водий ва Тошкент вилоятининг айрим худудларида тарқалган.

Ҳали ҳамон эсимда: ҳақиқий курашимиз тарихида муносиб из қолдирган афсонавий Хушвақт Рўзиқулов (Европа чемпиони), Сайфиддин Ҳодиев (бир неча марта жаҳон чемпиони бўлган), Нормамат Йўлдошев (Европа чемпиони), Эркин Холиқов ёки яна қанча машҳур чемпионлар –



Зоҳид полвон Хусаинов

ларга айтар сўзим шу: бу ХАЛҚ отам замонлардан бери қадрлаб, эъзозлаб келаётган миллий курашда тарозини тенг ушланг! Ўртада олишаётган икки полвон учун битта қоида бор: ХАЛОЛ ёки фирром! Бошқа йўл йўқ. Биламан, элимизда ўзлари полвон ё ҳақиқий мухлис бўлиб, ҳозир давраларни ҳаппа-ҳалол бошқариб, элдан дуо олаётган баковул-ҳакамлар ҳам кам эмас. Бундай инсонларнинг отасига минг раҳмат айтаман. Лекин шולי курмаксиз бўлмайди-да.

Шахсан ўзим эсплолмайман, бизнинг авлодимиз гувоҳ бўлган тўй курашларидаги баковуллар ҳеч қачон дурранг бўлди, қўйилган совринни икковига бўлиб берайлик, демаган! Аввало, улар қанча манзиллар оша умид билан ҳалол кураш томоша қиламан деб келган мухлислардан уялган, қолаверса, ҳақиқий полвон зотиям фирромни кўтаролмаган, зўрга тан берган. Минг афсуски, бугун баъзан ана шундай ноҳоллик баҳолаш оқибатида кўнглисизлик, жанжал, тортишувлар келиб чиқаётганига кўпчилик гувоҳ бўлмоқда.

Тўғри тушуниб, булар менинг оддий кузатувларим, жайдари хулосаларим, холос. Очиги, мамлакатда Президентимиз ташаббуси билан барча спорт турлари, жумладан, миллий курашимиз ривожини ва тараққиётини учун кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Бугун республикамизнинг барча шаҳар ва қишлоқ-овулларида спорт заллари, мини-стадионлар узлуқсиз ишлаб турибди. Халқимизнинг ҳам руҳан, ҳам жисман чиниқиш мактаби бўлмиш спортга қизиқиши ортиб бормоқда. Шундай бўлса-да, баъзан эътиборимиздан четда қолаётган тўй кураши деб аталмиш миллий анъаналаримизни ҳам янада тақомиллаштириш, бу жаҳда асосан холислик ва адолатни қарор топтираш ҳақида жиддий ўйлаш фурсати етганини унутмайлик.

Газетамиз саҳифаланаётганда сурхондарёлик полвон Жомғир Қувватов кўнгиноқ қилиб қолди: “Тўй кураши мавзусини кўтарётганликларингиз учун сизларга алоҳида раҳмат айтимоқчиман. Негаки, бу кўпчиликнинг кўнгидаги дардлар эди, – деди қуночаклик билан. – Айниқса, ижтимоий тармоқларда, интернетда полвонларнинг тўйлардаги ўзаро тортишув, жанжал-



ТЕМУР ДАДАХОЖОН

си ажратган соврин-зотлар деярли қолиб кетяпти. Чунки орамизда шундай саховатли, қўли очик одамлар борки, азбаройи саховатпешалиги тутиб, ҳақиқий ҳалол курашни кўриб тан бергудек бўлса-чи, чўнтагидаги бор пулиниям тикиб юборишига тайёр (хайриятки, айримларга ўхшаб интернет ёки бошқа жойлардаги қимор ўйинларига тикмаяпти-ку?). Бу ҳам балки бир фанатликдир.

Хуллас, сизга тўй курашини чиройли ўтказиш учун даврани ишониб топшираётган ҳакам ва баковулжон-

лари акс этган видеоларни кўриб, ҳам эски полвон, ҳам баковул сифатида дилим оғрийди. Бу борада энди тегишли идоралар, спорт мутасаддилари, маҳаллий ҳокимликлар ҳам жўялироқ тақлифларни жамоатчилик билан муҳокама қилиб, жўялироқ чоралар кўришлари лозим...”

Норқобил ЖАЛИЛ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси аъзоси

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI –
O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Таҳрир хайъати:
Ақтам ХАЙТОВ
Дилшод ШОУМАРОВ
Шухрат БАҒОЕВ
Мавлуда ХУҲАЕВА

Сирожиiddin САЙИИД
Адхам ШОДМОНОВ
Виктор ПАК
Насимжон АЛИМОВ

Сардор
МУСТАФОЕВ
(Бош муҳаррир
уринбосари)

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73^а-уй.

Электрон почта:
xxi_asr@mail.ru
xxi_asr@mail.ru

Телефонлар:
қабулхона –
71 215-63-80
(тел./факс).

Обуна ва реклама
бўлими –
71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан
рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида chop этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда
босилди. Ҳажми – 3 босма табақ.
Бўрутма рақами: Г – 545
Адади: 10108
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди – 18:40

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида
терилди ҳамда дизайнер

Маъруфжон Раҳмонов
томонидан саҳифаланди.

ISSN 2181-497X



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
123456

Навбатчи муҳаррир:
Фаррух ЖАББОРОВ